# Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича № 38 сонли ШАРТНОМА

2022 йил «22_»август _ Фуркат тумани

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи MUSAFFO ZAMIN QURUVCHISI MCHJ _(кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари **М. Вахобов** биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи _Фуркат тумани МТБ номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари _Д.Қодирова _ўрталарида **№ 22110012134874** асосан куйидаги максадларда тузилди:

## 1.Шартнома предмети

1.1.«Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра қуйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради:

_Фуркат туман 33 МТТ филиалининг бошқа иншоатларини жорий таъмирлаш_______

1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати 29000000 сўм, йигирма тўққиз миллион *(рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади)* **сўмни ташкил килади.**

1.3.Бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.

1.4 Бинони жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: _15 кун (ўн беш )

## 2. Ҳисоб-китоб шартлари.

2.1. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун хисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси,счет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб "Буюртмачи" томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва бахолар прейскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нарҳлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.

2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади хамда тўлиқ хисоб-китобни «Иш бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 60 кун ичида амалга оширади.

2.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жаренида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан хисоб-китоб қилинади.

## 3.Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:

3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиҳа-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва хажмларда, муддатида, сифатли,техник талабларга жавоб берадиган холатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки хаммаси сифатсиз бажарилганлиги аникланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми«Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари хисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун«Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиҳа-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.

3.4 «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

3.5 Хўжалик юритувчи субйектлар томонидан давлат харидлари билан боглиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга карши қўшимча шартлар белгиланди .

Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб килинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга карши қўшимча шартларга риоя етилмаганда иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга бекор килишга хамда зарарни коплаб беришни талаб қилишга хакли бўлади

## 4. Жарималар қўлланилиши

4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий қийматидан 20%, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддати ўтган хар бир кун учун муддатида бажарилмаган ишларни кийматини 0,5% микдорида, лекин кечиктирилган ишлари кийматини 50% дан ошмаган микдорда «Буюртмачи»га пеня тулайди.

4.3 Агар "Буюртмачи" қабул килиб олинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддатларда асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаса, «Буюртмачи» муддати утган хар бир кун учун тўлови кечиктирилган

суммадан 0,4 % микдорида ,лекин кечиктирилган туловни суммасини 50% дан ошмаган микдорда "Иш бажарувчи" пеня тулайди.

4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

### 5.<Форс-мажор>

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавкулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошқини,енгин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

### 6. Шартнома муддати

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

6.2 Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил «_31_» декабргача .Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига еки лойиха-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: **б,в,г,д** пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум килади.

### 7Қўшимча шартлар

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Иқтисодий судлари оркали хал килинади.

7.2«Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (гувоҳнома,) «Истеъмолчи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли ҳужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб ***тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан*** ўтказилгандан сўнг амалга киритилади. Шартнома юзасидан қелиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаганда хужалик суди оркали хал килинади.

### 8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

| «Иш Бажарувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| MUSAFFO ZAMIN QURUVCHISI MCHJ<br>(мол етказиб берувчининг номи) | **Фуркат туман МТБ**<br>(бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| Манзил:_Фуркат тумани | Манзил: Кичик-янги шахарчаси |
| Тел./факс<br>х/в_20208000305398766001<br>Банк номи Kapitalbank AT Qo'qon filiali<br>МФО 01087 СТИР 308553990<br>ОКОНХ_ | Тел./факс<br>ш/х* 100022860302387091100251001<br>бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 305153794<br>ОКОНХ 92400<br>Ғазначилик бўлинмаси номи: Фуркат тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси<br>ЯҒХ: 23402000300100001010<br>Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банкнинг Тошкент ш. ХККМ<br>МФО **00014**<br>Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201 122 919 |
| Раҳбар М. Вахобов<br>(Ф.И.Ш) (имзо) | Раҳбар Д.Қодирова<br>(Ф.И.Ш) |
| М.Ў. | М.Ў. |

O'ZBEKISTON RES. FARG'ONA VIL. FURQAT TUMANI "MUSAFFO ZAMIN QURUVCHISI" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

4215862

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MUSAFFO ZAMIN QURUVCHISI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MUSAFFO ZAMIN QURUVCHISI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.06.2021 | 998679 | ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 308553990

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Farg`ona viloyati, Furqat tumani, Yangi-qishloq,

Guvohnoma: Farg`ona viloyati, Furqat tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: SV2754181582

# YuRIDIK AHAMIYaTGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: **shartnoma.**

2. Loyihaning nomi:
**Byudjetdan mablag' oluvchi muassasalarda joriy ta'mirlash ishlarini bajarish**

3. Loyiha ishlab chiqilgan va kiritilgan sana: 2022 yil 22 avgust kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 22 avgust kuni Furqat tumani Yuridik xizmat ko'rsatish Markaziga taqdim qilingan.

4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:
Furqat tumani MTB bilan MUSAFFO ZAMIN QURUVCHISI MCHJ o'rtasida 33 MTT filialining boshqa inshoatlarini joriy ta'mirlash bo'yicha ishlab chiqilgan shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi o'rganib chiqildi.

Shartnoma loyihasini o'rganish jarayonida O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, hamda "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlari talablari asosida ishlab chiqilganligi ma'lum bo'ldi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

## XULOSA:

Furqat tuman MTB tomonidan 2022 yilning 22 avgust kuni 33 MTT filialining boshqa inshoatlarini joriy ta'mirlash bo'yicha ishlab chiqilgan shartnoma loyhasi huquqiy ekspertizadan o'tkazildi, yuqoridagilarga asosan mazkur shartnoma loyixalarini tuzish amaldagi qonunchilikka

**Furqat tuman Yuridik xizmat ko'rsatish boshlig'i boshlig'i** **A.Nurmatov**
23.08.2022 yil

ТАСДИҚЛАЙМАН”

*Фуркат тумани МТБ мудираси*

*Д.Қодирова*

“ 22 ” август 2022 йил

Фуркат тумани Мактабгача таьлим бўлими тасарруфидаги 33-сонли ДМТТ филиалининг бошка иншоатларини жорий таьмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2022 йил бюжетдан *(ШХР 100022860302387091100251001)* ажратилаётган маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш мақсадида танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг йиғилиш

**Б А Ё Н И № 20**

**Қатнашдилар:**

**Комиссия раиси** **Ю.Аликулов Фуркат тумани МТБ камунал хизматлар бўйича мутахасис**
**Комиссия аъзолари ---- М. Сотволдиева МТБ бош хисобчиси**

**А.Турғунов Фурқат тумани МТБ мухандиси,**

**Д.Муротова Фурқат тумани МТБ хисобчиси**

**Г.Хошимова давлат харидлари ва шартномалар бўйича хисобчи.**

Ўзбекистон Республакаси Президентининг **2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ -684** сонли *"Давлат харидлари тўғрисидаги"* ги қонунига мувофик 9 август 2022 йил куни энг яхши таклифларни танлашга жойлаштирилган лот № 134874 ракамли Фуркат тумани **М**ТБ тасарруфидаги 33-сонли ДМТТ филиалининг бошқа иншоатларини жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш учун товар хом ашё биржасининг махсус ахборот порталига 09.08.2022 йилдан 16.08.2022 йил кунигача 5 иш кунига эълон жойлаштирилган**.**

Ушбу эълон бўйича 16.08.2022 йилгача 2 нафар қурилиш сохасига ихтисослашган корхоналардан таклифлар келиб тушди.Жумладан:

“Мусаффо замин қурувчиси ”мчж

“Келажак нур мантаж” мчж

Таклифлар бўйича комиссия аъзолари ўрганиб чиқиб 17.08.2022 йил куни бахоланган ва 2 иш куни мобайнида мухокамага қўйилган. 22.08.2022 йил кунигача 2 иш куни мобайнида эътирозлар келиб тушмади. 22.08.2022 йил куни МТБ тсарруфидаги 33-сонли ДМТТ филиалининг бошқа иншоатларини жорий таъмирлаш ишлари бўйича ғолиб деб топилган “Мусаффо замин қурувчиси ”мчж

билан шартнома имзоланишга келишилди

**МТБ Комиссия раиси :** **Ю.Аликулов**

**Фурқат тумани МТБ мухандиси:** **А.Турғунов**

**Фурқат тумани МТБ бош хисобчиси:** **М.Сотволдиева**

**Фурқат тумани МТБ хисобчиси** **Д. Муротова**

**МТБ Давлат харидлари ва шартномалар бўйича хисобчи** **Г.Хошимова**